ХАЛҚНИНГ ЎЛМАС ЖАСОРАТИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 97 (5688)
26 АПРЕЛЬ 1985 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«Улуғ Ватан уруши партия билан халқнинг метиндек бирлигини, ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлилар иттифоқининг, СССР халқлари дўстлиги ва қардошлиги бузилмаслигининг яққол намойиши бўлди.»

[КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги тўғрисида»ги қарори-дан].

Бугун Тошкентда ягона сиёсий кун

Унинг мавзуи — совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллигидир. Лекторлар, сиёсий докладчилар, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг раҳбарлари бугун меҳнат коллективлари билан учрашувлар ўтказишиб, совет халқининг жасорати тўғрисида, фашистлар Германияси устидан қозонган Буюк Ғалабанинг бутун инсоният учун аҳамияти тўғрисида сўзлаб бермоқдалар.

Газетамизнинг бугунги сони совет халқининг Буюк Ғалабасига бағишланди. У тошкентликларнинг фашизмга қарши муқаддас курашга қўшган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилади. Бинобарин, «Тошкент оқшоми» бугун ягона сиёсий кунининг ўзига хос бевосита қатнашчисидир.

Аниъанага кўра, ягона сиёсий кунни ўтказиш жараёнида меҳнаткашлар ўзларини тўлқинлантираётган энг долзарб саволларни берадилар. Табиийки, ҳамма жойда КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев докладида кўтарилган проблемалар ҳақида сўз юритадилар. Тошкент меҳнаткашлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сафарбар этажаклари ҳақида жонажон партиямизни ишонтирмоқдалар.

(Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Буюк Ғалабасига бағишланган материалларни газета саҳифаларида ўқийсиз).

ТОРГАУДАГИ УЧРАШУВ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Унутилмас воқеа — Эльба бўйида Совет ва Америка қўшинлари учрашувининг 40 йиллигини нишонлаш учун Торгауда тўпланган барча кишиларни самимий табриклайман.

Йиллар ўтмоқда, ўн йиллар ўтмоқда, аммо инсоният боши узра пайдо бўлган асорат ва истибдод зулматини жондан кечиб тарқатиб юборган кишиларнинг номлари одамларнинг миннатдор хотирасида балқиб турибди.

Бизнинг мамлакатимизда Улуғ Ватан урушининг, фашистлар агрессияси ва милитаризми кучларига қарши мана шу қаҳрамонона жанг ветеранлари умумхалқ иззат-икроми билан қуршаб олинган. Биз бу курашда қурбон бўлганлар хотираси олдида бошимизни қуйи эгамиз. Улар туфайли ҳозирги авлод осойишта яшаб, тинч меҳнат қилиш имкониятини олди.

Шу кунларда, Буюк Ғалаба байрами арафасида совет кишилари АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой, гитлеризмга қарши коалициядаги бошқа давлатлар халқлари ва армиялари муштарак мақсадга эришишга қўшган салмоқли ҳиссага ҳам ҳурмат бажо келтирадилар. Ғалабада Югославия, Польша, Чехословакия, Болгария, Румыния, Албания, Венгриянинг ҳарбий қўшилмалари, партизан армиялари ва отрядлари, Франция, Италия, Греция, Бельгия, Голландия, Норвегия, Дания, Люксембург қаршилик ҳаракатлари катта роль ўйнадилар. Немис ва австриялик ватанпарварлар гитлерчилар нацизмига қарши мардона курашдилар.

Уруш йилларида юзага келган жанговар иттифоқимиз инсонпарварлик тинчлиги ва яхши келажаги учун биргаликдаги кураш ҳамкорликнинг нақадар зўр потенциалини очиб беришини кўрсатди. 1945 йилнинг баҳорида Эльба бўйида учрашган Совет ва Америка солдатларининг қўл бериб омонлашуви ҳам умид ва дўстлик рамзи бўлиб тарихга абадий ёзилиб қолди.

Бинобарин, ҳозир ҳам ҳар бир софдил кишининг — ёш ва ветераннинг бурчи уруш олови энди ҳеч қачон еримизни жизғанак қилмаслиги учун курашга қўлидан келганча ҳисса қўшишдан иборат.

Биз ўтган уруш воқеаларига мурожаат қилар эканмиз, ҳозирги кун ҳақида фикр юритиб ва албатта, келажак ҳақида: одилона ва мустаҳкам тинчлик тўғрисида, халқларни ядро уруши хавфидан халос қилиш тўғрисида ўйлаймиз.

Инсоният учун душманлик ва адоват эмас, балки мамлакатлар ва халқларнинг ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлиги йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиши керак. Совет кишилари собиқ иттифоқчилар ўртасида, барча давлатлар ўртасида тинчликни сақлаш учун курашдаги амалий баҳамжиҳат ҳаракат халқаро муҳитни соғломлаштирувчи қудратли омил бўлиб қолиши мумкин ва лозимлигига аминдирлар.

Ҳозир Эльба бўйида яна бир-бирларига қўл узатаётган кишилар бунинг учун яхши намуна кўрсатмоқдалар.

Гитлерчилар фашизмига қарши жанг қилган қаҳрамон ветеран жангчиларга, уларнинг оилаларига, Торгаудаги учрашувнинг барча қатнашчиларига сидқидилдан сиҳат-саломатлик ва кўп йиллар бахтиёр, тинч турмуш тилайман.

М. ГОРБАЧЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилди ва партия ташкилотларига Пленум якунларини кенг муҳокама қилишни, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ М. С. Горбачев докладининг чуқур маъносини ҳар бир коммунистга, барча меҳнаткашларга етказишни, меҳнат коллективларини ижтимоий ишлаб чиқариш интенсивлигини оширишга ва меҳнат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлашга сафарбар қилишни топширди. Тегишли органларга КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми қарорларини амалга ошириш, 1985 йилги планлар ва социалистик мажбуриятларни ҳамда умуман беш йиллик планни сўзсиз бажариш, партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан зарур тадбирларни кўриш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Бухоро область партия комитетининг КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми қарорларини бажариш соҳасидаги иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Область партия ва совет органлари сув хўжалиги қурилиши объектларидаги ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятни кучайтирдилар. Давлат интизоми мустаҳкамланмоқда, агросаноат комплексининг ҳокимлари ердан самарали фойдаланиш учун масъулият туйғуси руҳида тарбияланмоқда. Кадрлар билан ишлашни яхшилаш тадбирлари кўрилди.

Шу билан бирга, Бухоро область партия комитетининг эътибори ерларни мелиорациялашнинг узоқ муддатли программасини амалга оширишдаги баъзи жиддий камчиликлар ва нуқсонларга қаратилди. Кўпинча капитал маблағ ва моддий-техникавий ресурслар асосан ерларнинг сув таъминотини оширишга қаратилмоқда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экинзорларнинг унумдорлигини ошириш масалалари эса иккинчи ўринда қолмоқда. Янги районларнинг комплекс ўзлаштирилмаслигига йўл қўйилмоқда, бир қанча социал-маданий объектлар, анчагина миқдордаги уй-жой бинолари ишга туширилгани йўқ.

Область партия комитетига сув хўжалиги ташкилотлари, агросаноат комплекси корхоналари, министрликлар ва идоралар билан биргаликда мавжуд ҳамда янги ишга туширилаётган суғориладиган ерларнинг юксак самарадорлигини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини тўла ҳажмда бажаришни таъминлайдиган конкрет тадбирларни амалга ошириш таклиф қилинди. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми йўл-йўриқлари асосида партия ташкилотларига партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш, коммунистларнинг жанговарлигини ва авангардлик ролини ошириш, ҳар бир участкадаги ишларни яхшилашнинг конкрет йўлларини аниқлаш топширилди.

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи раҳбар кадрларининг партия ташкилоти идеологик ишида қатнашиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Завод парткоми ва дирекциясидан меҳнат коллективи аъзоларини ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга корхона раҳбарлари ва мутахассисларини актив жалб этиш талаб қилинди. Идеология, оммавий-сиёсий иш савиясини, партиявий ва ижтисодий таълим самарадорлигини ошириш, инженер-техник ходимларнинг лекциялар, докладлар, сиёсий ахборотлар билан чиқишларини йўлга қўйиш, уларнинг Ягона сиёсий кунларда қатнашишини активлаштириш лозим. Партия комитетига мутахассисларнинг иш услубини такомиллаштириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш, кадрларни раҳбарликнинг маъмурий ва тарбиявий усулларини моҳирона бирга қўшиб олиб боришга ўргатиш, партия йиғилишларида ва партком мажлисларида корхона раҳбарларининг оммавий-сиёсий ишда қандай қатнашаётганликлари тўғрисида ҳисоботларни тез-тез тинглаб туриш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида республика турмушининг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилиб, қарорлар қабул қилинди.

тонгги газеталарда

● Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг олий партия ва давлат арбоблари учрашувида қатнашиш учун совет делегацияси 25 апрелда Москвадан Варшавага жўнаб кетди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов, КПСС Марказий Комитети секретари К. В. Русаков бор.

● Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 25 апрель куни бўлиб ўтган йиғилишида совет ва афғон халқларининг мустаҳкам дўстлик алоқалари ҳақида гапирилди. Бу йиғилиш Афғонистондаги Апрель революциясининг етти йиллигига бағишланди. Унда республика пойтахтининг ўқув юртларида таълим олаётган афғон йигит ва қизлари қатнашдилар.

ТОШКЕНТЛИК СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНЛАРИ— «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» МЕҲМОНИ



ВАТАН ҚАҲРАМОНЛАРИ

Вақт... У бирор дақиқа тўхтамасдан шамолдек елиб ўтади. Куч-қудратга тўла хушчақчақ йигитларни кўп ўтмасдан сочларига оқ кўндириб, юзларига ажин солиб, доноишманд кишиларга айлантириб қўяди. Ҳа, вақт ҳар нарсага қодир. У жуда кўп нарсаларга ҳукмрон. Фақат бир нарса — хотира унга бўйсуимайди.

«Тошкент оқшоми» редакциясида олинган мана бу фотосуратга бир синчиклаб қаранг. Улар ўтган уруш ветеранлари. Оддий ветеранлар эмас, Улуғ Ватан урушининг Қаҳрамонлари. Уларнинг немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда кўрсатган жасоратлари Ватанимизнинг энг олий нишони — Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланган.

Йил ўтган сайин қаҳрамонларимиз сафи камайиб бормоқда. Бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Ўтган уруш жангчилари ўзларининг кексалигини босиқлик, бардамлик билан қутиб олишяпти. Ўзларининг ишларини давом эттирадиган кишилар ҳақида қайғуришмоқда. Яхши ота ўз хўжалигини фарзандларига топширар экан, уларни бутун хўжалик бўйлаб айлантириб чиқади. Ҳар бир йўлка, ҳар бир ниҳол, ҳар бир тепаликни кўрсатади. Билиб қўйгани яхши, кейинчалик асқотади, деб ўйлайди. Ҳақиқатан ҳам бу нарса кейинчалик ҳаётда жуда асқотади. Ҳаёт йўлкасидан бундай юриш жуда кўп ўйлашга даъват этади. Ҳамиша ҳам осон бўлмайди. Гоҳида курсандчиликдан кўзларга ёш келади.

Уларнинг ёдида яна бир нарса муҳрланиб қолган. Душман оёғи остида пайҳон бўлган 1941 йил бугдойзорлари, Рейхстаг устига Қизил Байроқнинг қадалиши, Ленинград қамалида бўлган қизнинг кундалигига битилган мудҳиш сатрлар, 1945 йилнинг май ойида Қизил майдонда ўтказилган Ғалаба паради. Хотиранинг доираси жуда кенг. У Ватанимизнинг асл фарзандларни кўрсатган қаҳрамонликларни ўз ичига олади.

Ҳурматли газетхон, ушбу суратга синчиклаб назар ташланг. Улар Қаҳрамонлардир. Уларни Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида бир жойга тўплаш ва суратга тушириш осон бўлмади. Бу эсдалик суратидир. Фақат тошкентлик Қаҳрамонларгина эмас, уруш даҳшатларини бошдан кечирмаган кишилар учун ҳам эсдалик. Улар бу Қаҳрамонлар ҳозир ҳам орамизда яшаётганликларини, меҳнатда ибрат, юксак талабчанлик намунасини кўрсатаётганликларини билиб қўйишлари керак. Уларни номма-ном эслатамиз. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари (чапдан-ўнгга) Борис Ермилович Тихомолов, Юрий Иванович Гуляев, Павел Федорович Шевелев, Денис Филиппович Рзянин, Солиҳ Ҳусанович Умаров, Михаил Васильевич Шенников, Пётр Фёдорович Макаров, Павел Сергеевич Пономарев, Абдусаттор Эшонқулов, Олим Ҳакимов, Николай Иванович Розов, Самиғ Файзулловнч Абдуллаев, Степан Петровнч Ильин, Алексей Александрович Голубенко, Бокс Ҳамидович Эргашев, Сергей Семёновнч Киселёв.

Бу сафда яна бир тошкентлик қаҳрамон — Константин Герасимович Роденко кўринмаяпти. Уруш ветерани учрашувга келолмади. Жанггоҳда олинган жароҳатлар ҳамон азоб бермоқда. Гоҳида касалхонага ётқизиб қўймоқда. Бироқ, кекса солдатнинг ишончи комилки, медицина ходимлари уни сафга қайтариш учун барча тадбирларни амалга оширишади. Ғалаба куни у ветеран дўстларининг сафида бўлади. Фронтчилар яна бир марта қандай жанг қилганликларини, нимани орзу қилганларини эслашади. Ўша даҳшатли уруш пайтида жангчилар ҳордиқ чиқаришаётганда Ғалабани орзу қилишар эди. Тинч, фаровон турмушни орзу қилишарди.

Ҳозирги замондошларимизнинг орзуси нима? Улар ҳам шундай ниятдалар. Улар ўзлари учун шон-шараф ниш бўлиб қолган меҳнат билан ёрқин келажакни яқинлаштиришмоқда. Бинобарин, жанговар ва зарбдор меҳнатнинг ҳам илдизи битта— ватанпарварликдир. Гитлерчилар фашизмини яксон қилган солдатларнинг жасоратлари ҳеч қачон унутилмайди.

Т. Каримов фотоси.

Бизнинг интервью

МИСЛСИЗ ЖАСОРАТ

Биз Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ҳ. Т. ТУРСУНОВга мурожаат қилиб, Ўзбекистон жангчиларининг жасорати ҳақида халқ хўжалигини ҳарбий изга солиш, меҳнаткашлар оммасини сафарбар этиш ва жипслаштиришда ленинчи партиямизнинг жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон Компартияси амалга оширган улкан ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Республика партия ташкилотининг раҳбарлигида Ўзбекистонда кўплаб ҳарбий бўлинмалар ва қисмлар тузилган эди. Улар гитлерчи босқинчилар билан қаҳрамонона жанг қилдилар.

Барча совет халқларининг, шу жумладан ўзбек халқининг совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализми фронтда ва фронт орқасидаги курашларда ёрқин намоён бўлди.

Ўзбекистон саноати республика территориясига мамлакат ғарбидан, фронт олди районларидан 90 дан ортиқ йирик саноат корхоналарининг эвакуация қилиниб жойлаштирилиши туфайли ўз қувватларини икки бараварга оширди. Улар орасида Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари йирик корхоналар бор эди. Шу муносабат билан қуйидаги фактни эсга олиб ўтиш ўринлидир. Бу заводни ишга туширш учун ҳукумат томонидан уч ой муҳлат берилган эди, аммо 45 кундан сўнг Усмон Юсупов Москвага телефон қилиб, завод ишлай бошлаганни ва биринчи самолёт фронтга учиб кетганлигини маълум қилди.

— Ҳабиб Турсунович, улкан ҳарбий ватанпарварлик, меҳнат кўтаринкилиги ҳамда республика ишчилари, колхозчилари ва интеллигенциясининг юксак онглилигидан далолат берувчи мисолларни айтиб ўтсангиз.

— Ўзбекистон бўйлаб фронтга кетганларнинг ҳам ўрнини босиш учун икки-уч норма иш бажариш ҳаракати кенг қулоч ёйди. Совет ватанпарварлигининг қудратли ҳаракатлантирувчи кучи транспортда ўнлаб йиллар ишлаган кекса темирйўлчи пенсионерлар, тажрибали мастерлар яна заводлардаги станокларни бошқара бошладилар.

1941 йилнинг сентябрь ойида «Правда Востока» газетаси ўзига топширилган ҳар қандай ишни бажариш истагини билдирган 82 ёшли пенсионер, ёғоч ўймакорлиги бўйича халқ устаси Саидолим Исломовнинг қалб даъвати ҳақида ёзган эди.

— Фронтга кетган эрлари ўрнини босган аёллар куну-тун тўймб овқат емай, тўймб ухламай жангчиларимизни қурол, ўқ-дорн ва кийим-кечак билан таъминлаш учун станокларни бошқардилар. Улар яраларга ғамхўрлик қилдилар, фронт учун иссиқ кийимлар тўпладилар. Улар тинчм билмай меҳнат қилдилар ва уларнинг меҳнат жасоратлари ҳақидаги шон-шуҳрат фронтга ҳам етиб жангчиларимизни ғалабаларга илҳомлантирди.

— Ҳа, Ўзбекистон меҳнаткашлари фақат ўз топшириқларинигина эмас, балки фронтга кетган ўз ака-укаларн вазифаларини ҳам бажардилар. Улар республика табиий ресурсларини Ватан урушн эҳтиёжлари учун тезкорлик билан сафарбар этиш зарурлигини яхши тушундилар. Шунинг учун ҳам Ангренда кўмир қазиб олиш тез суръат билан қисқа муддатлар ичида йўлга қўйилди, газ олиш миқдори ошди, молибден, мис, кўргошин, вольфрам сингари қимматли металлар қазиб олиш ҳажми кўпайди. Бир қатор янги электростанциялар қурилди.

[Давомн 2-бетда].

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Константин Устинович ЧЕРНЕНКО хотирасини абадийлаштириш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Константин Устинович Черненконинг хизматларини эътиборга олиб ҳамда унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида қарор қилдилар:

1. Красноярск ўлкасидаги Шарипово шаҳрининг номи ўзгартирилиб, Черненко шаҳри деб; Молдавия ССРнинг Шолданешти районн номи ўзгартирилиб, Черненко районн деб аталсин.

2. Красноярск ғалла ўриш комбайнлари ишлаб чиқариш бирлашмасига; Приборсозлиқ, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министрлигининг Кишинев «Волна» ишлаб чиқариш бирлашмасига; Қозоғистон ССР Толдиқўрғон областининг совхозларидан бирига; Пенза шаҳридаги пионерлар саройига; Москва, Красноярск ва Кишинев шаҳарларида янги қурилаётган микрорайонлардаги биттадан кўчага; Қизил Байроқ орденли шарқий чегара округининг К. У. Черненко хизмат қилган «Хоргос» чегара заставасига; денгиз пассажир кемасига К. У. Черненко номи берилсин.

3. Красноярск давлат университетининг, Кишинев давлат педагогика институтининг, Пенза политехника институтининг студентлари учун К. У. Черненко номидаги 9 та стипендия белгилансин.

4. «Хоргос» чегара заставасининг биносига ва Москва шаҳрининг Большая бронная кўчасида К. У. Черненко яшаган 19-уйга ёдгорлик лавҳаси ўрнатилсин.

5. Кремль девори ёнидаги Қизил майдонда К. У. Черненко қабрига бюст ўрнатилсин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Мамлакатимиз Шарқида, шу жумладан Сиз туғилиб ўсган озод Узбекистонда, Уралда, Сибирда шундай саноат ўчоқлари майдонга келтирилдики, улар қўлдан кетган ва нобуд бўлған ҳамма корхона ва конларимизнинг ўрнини бемалол боса олади.

Тиш-тирноғигача қуролланган ёвуз душманга қарши туриш, уни улоқтириб ташлаш ва тор-мор келтириш учун совет ботирлари мукаммал қурол-аслаҳага эга бўлмоқлари шарт. Душманга бехато раду-бадал бера биліш учун бизнинг аскарларнинг совут-қалқонлари ўқ ўтмас бўлмоғи лозим. Замонамизнинг ўқ ўтмас совут-қалқони: қурол-аслаҳа, аэроплан, танк, тўп, миномёт, пулемёт, милтиқ, ўқдори, иссиқ кийим-бош деган гапдир. Буларни ҳарбий ва бошқа саноатларнинг ишчилари тайёрлашлари, транспортчилар эса уни фронтга етказиб беришлари керак. Ҳарбий буюртмаларни бузувчи ва ёки кечиктирувчи ҳар бир кишига биз шунинг учун ҳам жанг майдонидан қочган хоин деб қараймиз.

Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ! — деган шиорнинг биз, ҳарбий ва бошқа саноат ишчилари, транспорт ходимлари учун маъноси ана шундай, эшит фронт!

(Ўзбек халқининг Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилаётган фарзандларига йўллаган хатидан).











ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкент Совет Армиясининг жанговар асдаҳахоналаридан бирига айланди. 1941 йил июнь ойида Тошкент шаҳар партия комитети мудофаа-оммавий ташкилотларнинг уруш даври шароитларидаги иши тўғрисида қарор қабул қилди.

● 1942 йил бошидаёқ Тошкентдаги барча саноат корхоналарининг деярли ярми тўла ёки қисман ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтди.

● Қисқа вақт ичида шаҳар территориясида мамлакатнинг бошқа районларидан эвакуация қилинган 100 дан зиёд корхонани, шу жумладан В. Чкалов номли Москва авиация заводи, «Ростсельмаш», «Электрокабель» ва бошқа заводларни жойлаштириш ва ишга тушириш лозим бўлди.

● Мудофаа аҳамиятидаги корхоналарни жойлаштириш учун 150 минг квадрат метрдан зиёд ишлаб чиқариш биноси қурилди ва реконструкция қилинди.

● Янги объектларни қуриш ва жиҳозларни монтаж қилиш ишларида 115 мингдан зиёд киши қатнашди.

● 1941 йил декабрида Тошкентда 127 корхона ишлаб турган ва булардан 64 таси ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқараётган эди.

● Тошкент саноати 1943 йилда 1940 йилга нисбатан 3 баравар кўп маҳсулот берди.

● Уруш йилларида Тошкент саноатининг структураси тубдан ўзгарди. Агар 1940 йилда тўқимачилик, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотининг улуши 81 процент бўлган бўлса, 1941 йилда оғир саноатнинг улуши 60 процентни ташкил этди. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноати етакчи ўринларни эгаллади.

● Уруш йилларида шаҳарда 20 тага яқин госпитал ташкил этилди. Улардаги ўринлар сони 7650 тадан зиёд эди.

● Фабрикалар, заводлар, муассасаларнинг коллективлари, санитария дружиналари, мактаблар, медицина ҳамширалари курсларининг ўқувчилари, адабиёт ва саноат арбоблари Совет Армиясининг ярадор бўлган ва бемор жангчиларини оталиққа олишди.

● Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш юзасидан катта ишларни амалга оширди. Тошкентга кўчириб келтирилган болалар уйлари ва болалар группаларини жойлаштириш учун шаҳарнинг энг яхши бинолари ажратилди.

● Шаҳар Совети ижроия комитетининг болаларга ёрдам кўрсатиш бўйича комиссияси шаҳар аҳолиси ўртасида пул маблағлари, болалар кийимлари тўпланишини уюштирди. Тошкентлик аёлларнинг чақириғи билан эвакуация қилинган болаларни фарзандликка олиш бўйича оммавий ҳаракат авж олди.

● Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри Акромова 15 етим болани фарзандликка олишди. Болалар орасида рус, белорусс, молдаван, украин, латиш, қозоқ, татар ва бошқа халқларнинг фарзандлари бор эди. Раҳмат Файзийнинг «Ҳазратн инсон» романи ва «Сен етим эмассан» бадиий фильми ана шу оила мисолида яратилган.

2 ТОШКЕНТ ШЕР ОҚШОМИ

[Давоми. Боши 1-бетда].

Ўзбекистон РСФСРдаги ҳарбий саноат корхоналарини ишчи кучи билан таъминлашда иштирок этди. Шуни эслаш кифоякки, Свердловск, Кемерово, Новосибирск, Куйбишев, Горький, Челябинск ва Россия Федерациясининг бошқа бир қатор областларига ўзбеклардан 66 минг меҳнат армиячиси юборилган эди.

Республика колхозлари деҳқонларининг ҳиссаси ҳам салмоқли бўлган эди. Пахта билан бирга донли ва сабзавот экинлари майдонлари кенгайтирилди. Армия ва аҳолини хом ашё, озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш учун улкан ишлар амалга оширилди. Ана шу мақсадда суғориш бўйича умумхалқ юриши давом этди. Қатор сув омборлари ва магистрал, суғориш каналлари қурилиши амалга оширилди. Улар орасида Каттақўрғон сув омбори, Тошкент ва Юқори Учқўрғон каналларининг иккинчи навбати каби йирик сув хўжалик объектлари бор эди.

— Уруш бораётган районлардан эвакуация қилинган болаларни қабул қилиб олиш ва жойлаштириш улкан сиёсий аҳамиятга молик воқеа ва совет ватанпарварлигининг аланғали ифодаси бўлган эди.

Киностудиясида «Пархоменко», «Навоий», «Сухэ-Батор», «Денгиз қирғийи», «Юлдузларга йўл», «Насриддин Бухорода» каби ажойиб фильмлар яратилиб, улар фронтда ва фронт ортида катта қизиқиш билан кутиб олинган эди.

Республика халқ артисти М. Қориёқубов раҳбарлигидаги ўзбек давлат филармониясининг концерт бригадалари бир қатор фронтларда бўлиб, жангчилар ҳузурида концертлар берди. Фронтларда Ўзбекистоннинг яна бошқа ўн саккизта артистлар группалари ҳам бўлган эди.

Ёзувчиларимиз совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализмни шарафловчи янги асарлар яратдилар.

Бир сўз билан айтганда, ўзбек халқи барча қардош халқлар билан биргаликда душман устидан қозонилган умумий ғалаба совет социалистик ижтимоий тузуммизни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшди.

КПССнинг ғоят зўр фаолияти туфайли СССР халқларининг ленинча дўстлиги уруш йилларида метиндек мустаҳкамланди, фашист газандаларини тор-мор этишнинг асосий манбаларидан бири бўлган қудратли онгли кучга айланди. Ана шу қутлуғ урушда ўзбек халқи барча бошқа халқлар қатори Коммунистик партия атрофига, урушнинг асосий оғирлиги зиммасига тушган улуғ рус халқи атрофига жипслашди.

Улуғ Ватан урушидаги СССР халқларининг тарихий жасорати асло ўчмайди. Совет кишиларининг ўз социалистик ватанига садоқати, уларнинг коммунистик партияга чексиз ишончи ғалаба қилди, халқларнинг ленинча дўстлиги ажралмас қисми бўлган кўпмиллатли жамиятимизнинг ғоявий-сиёсий бирлиги ғалаба қилди.

Ягона оила туйғуси жангчиларимизни мустаҳкам бирлаштирди ва илҳомлантирди. Халқларнинг бегараз ўртоқлик ўзаро ёрдами совет фронт орқасининг бузилмаслиги ва мустаҳкамлигининг ҳаётбахш манбаларидан бири бўлди. Уруш СССР халқлари дўстлигининг қанчалик мустаҳкамлигини, бу дўстликнинг томирлари нақадар теранлигини яна бир бор кўрсатди.

— Сиз ҳам Улуғ Ватан урушн қатнашчисисиз. Уша суронли, жанговар йилларда Қизил Юлдуз, I ва II даражали Ватан урушн орденлари, медаллар билан мукофотлангансиз.

— Ҳа, мен Сталинграддан Берлингача бўлган жанг йўлларини босиб ўтганман. Минг-минглаб жангчилар каби урушнинг ўша оғир йилларида Ғалабамизни орзу қилган ва унга қатъий ишонган эдим. Биз тинч, мусаффо осмон, ўрмонлар ва далаларни ям-яшил чиройи, эрта тонгдаги ажойиб сукунат — буларнинг ҳаммаси бениҳоя гўзал бўлишини қатъий билардик. Мен қандай жангларда иштирок этмай — Сталинград остоналаридами, Бобруйск йўналишидами, ҳамма жойда тинчликни орзу қилардим. Ғалаба кунини эса мен кавалерия корпусида кутиб олдим. Бу ерда сиёсий ишлар бўйича дивизия командирининг ўринбосари, батальон сиёсий бўлинмасининг бошлиғи Муллажон Узоқов бўлиб, у кейинчалик генерал бўлганди. Мен I Белоруссия фронти сиёсий бошқармасининг вакили сифатида шиддатли жанглар бораётган Ратеновга келдим. Эрталаб биз қисмларга жўнаб кетдик. Кечаси соат 2 га яқин қайтиб келдим.

— Володя, полковник Узоқов келмадими?— деб сўрадим адъютантдан.

— Йўқ ҳали.

Похол устига жойлашиб, мудраб қолибман. «Володя, уруш тугади!» деган овоздан уйғониб кетдим.

— Эҳтимол тушимдир, — деб ўйладим мен, — аммо Муллажон менга энгашиб ҳаяжон билан шундай деди: «Турақол, бугун капитуляция ҳақидаги актга имзо чекилади».

— Ахир отишиб туришибдику!

—Даф қилишади!—дея ишонч билан жавоб берди М. Узоқов.

9 Майда радиодан бутун жаҳонга бизнинг Ғалабамиз ҳақидаги хабар янгради. Шу куни мен фронт штабига қайтиб келдим. Хайрлашаётиб Муллажон менга ов милтигини ҳадя этди.

— Бу, отишмалар фақат овдагина эшитилиб туриши учун!

Ғалаба билан бирга бениҳоя осойишталикни ҳис этдик. Биз бу осойишталикдан шунинг учун ҳам хурсанд бўлдикки, чунки энди тинчлик бошланган эди. Гитлер фашизми устидан қозонилган Ғалаба барча учун — урушда жанг қилганлар учун ҳам, мамлакат ичкарисида меҳнат қилганлар учун ҳам буюк ва шодиёна байрамга айланди. Биз бугунги тинч ҳаётимизга, бугунги бахтимизга ана шу Ғалаба туфайли эришдик.

Суҳбатни

Н. ПАНЯКШИНА ёзиб олди.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

МИСЛСИЗ ЖАСОРАТ

— Ватан уруши йилларида Ўзбекистон 200 мингдан ортиқ эвакуация қилинган болаларни ўз бағрига олди. Улар учун янги болалар уйлари ва боғчалари вужудга келтирилди. Айрим оилалар ҳам кўплаб болаларга ўз уйларидан бошпана бериб, уларга меҳрибонлик кўрсатдилар. Бутун мамлакат бўйлаб ўн тўрт турли миллат болаларини ўз тарбиясига олган тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласининг жасорати кенг ёйилди. 1942 йилнинг 2 январида Тошкент хотин-қизлари республиканинг барча хотин-қизларига қарата қабул қилган мурожаатида шундай дейилган эди: «Улуғ рус халқи, Украина, Белоруссия халқлари олдидаги қардошлик бурчимизни бажарайлик. Интернационализм ва Совет Иттифоқи халқлари дўстлиги байроғини янада баландроқ кўтарайлик. Бизнинг кувончимиз, келажагимиз бўлган совет болалари ўсиб улғайсин... Узбекистонга эвакуация қилиб келтирилган болаларга жамоатчилик ёрдами кўрсатиш бўйича умумхалқ ҳаракатини қулоч ёйдирайлик. Ҳар бир ишчи, колхозчи, зиёли оиласи, ҳар бир корхона, колхоз ва совхоз уларни жойлаштириш ва тарбиялашда фаол иштирок этсин».

— Фан ва маданият намояндаларининг ҳиссаси қандай бўлган эди!

— Республикамизнинг ҳамда бизга эвакуация қилинган 40 дан ортиқ олий ўқув юртлари ўн минглаб врачлар, агрономлар, педагог ва бошқа мутахассисларни тайёрлаб берди.

Республика меҳнаткашлари уруш йилларида мудофаа фондига 650 миллион сўмлик шахсий жамғармаларини, миллионлаб сўмлик давлат заёмлари облигацияларини ўтказдилар.

Уруш даврида мамлакат ичкарисининг фронт билан алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида жанговар уруш ҳаракатлари бўлаётган жойларга Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Йўлдош Охунбобоев, республика Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Абдужаббор Абдураҳмоновлар бошчилигидаги ўзбек халқи делегациялари ташриф буюрган эди. Бу делегациялар фронтда бўлганидан кейин кўп ўтмай Говоров раҳбарлик қилаётган қисм жангчилари, командирлари ва сиёсий ходимлари номидан йўлланган хатда қувшли Узбекистон фарзандлари ҳузурига ташриф буюрган делегация сафари учун, совғалар учун чуқур миннатдорчилик билдирилган эди. Ушбу хатда жумладан шундай сўзлар изҳор этилган:

«Сизларнинг меҳрингиз ва ғамхўрлигингиз бизнинг кучимизга куч қўшади ва фашист қонхўрлари устидан қозонилажак Ғалабага бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди. Бизни Узбекистондан минглаб километр масофалар ажратиб турибди, аммо биз, қадрли дўстлар ва ўртоқлар, сизнинг меҳрингизни яқиндан ҳис этиб турибмиз. Биз жангга кираётиб, сизларнинг Ғалабамизни таъминлаш учун ҳамма ишни қилишингизни ҳис этиб турибмиз».

Ватанимиз фанини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун СССР Халқ Комиссарлари Советининг қарорига асосан СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали 1943 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига айлантирилди.

Адабиёт ва санъат намояндалари фронтга бутун куч ва ғайратлари билан ёрдам кўрсатдилар. Уруш йилларида Тошкент бадиий фильмлар киностудиясида «Пархоменко», «Навоий», «Сухэ-Батор», «Денгиз қирғийи», «Юлдузларга йўл», «Насриддин Бухорода» каби ажойиб фильмлар яратилиб, улар фронтда ва фронт ортида катта қизиқиш билан кутиб олинган эди.

Республика халқ артисти М. Қориёқубов раҳбарлигидаги ўзбек давлат филармониясининг концерт бригадалари бир қатор фронтларда бўлиб, жангчилар ҳузурида концертлар берди. Фронтларда Ўзбекистоннинг яна бошқа ўн саккизта артистлар группалари ҳам бўлган эди.

Ёзувчиларимиз совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализмни шарафловчи янги асарлар яратдилар.

Бир сўз билан айтганда, ўзбек халқи барча қардош халқлар билан биргаликда душман устидан қозонилган умумий ғалаба совет социалистик ижтимоий тузуммизни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшди.

КПССнинг ғоят зўр фаолияти туфайли СССР халқларининг ленинча дўстлиги уруш йилларида метиндек мустаҳкамланди, фашист газандаларини тор-мор этишнинг асосий манбаларидан бири бўлган қудратли онгли кучга айланди. Ана шу қутлуғ урушда ўзбек халқи барча бошқа халқлар қатори Коммунистик партия атрофига, урушнинг асосий оғирлиги зиммасига тушган улуғ рус халқи атрофига жипслашди.

Улуғ Ватан урушидаги СССР халқларининг тарихий жасорати асло ўчмайди. Совет кишиларининг ўз социалистик ватанига садоқати, уларнинг коммунистик партияга чексиз ишончи ғалаба қилди, халқларнинг ленинча дўстлиги ажралмас қисми бўлган кўпмиллатли жамиятимизнинг ғоявий-сиёсий бирлиги ғалаба қилди.

Ягона оила туйғуси жангчиларимизни мустаҳкам бирлаштирди ва илҳомлантирди. Халқларнинг бегараз ўртоқлик ўзаро ёрдами совет фронт орқасининг бузилмаслиги ва мустаҳкамлигининг ҳаётбахш манбаларидан бири бўлди. Уруш СССР халқлари дўстлигининг қанчалик мустаҳкамлигини, бу дўстликнинг томирлари нақадар теранлигини яна бир бор кўрсатди.

— Сиз ҳам Улуғ Ватан урушн қатнашчисисиз. Уша суронли, жанговар йилларда Қизил Юлдуз, I ва II даражали Ватан урушн орденлари, медаллар билан мукофотлангансиз.

— Ҳа, мен Сталинграддан Берлингача бўлган жанг йўлларини босиб ўтганман. Минг-минглаб жангчилар каби урушнинг ўша оғир йилларида Ғалабамизни орзу қилган ва унга қатъий ишонган эдим. Биз тинч, мусаффо осмон, ўрмонлар ва далаларни ям-яшил чиройи, эрта тонгдаги ажойиб сукунат — буларнинг ҳаммаси бениҳоя гўзал бўлишини қатъий билардик. Мен қандай жангларда иштирок этмай — Сталинград остоналаридами, Бобруйск йўналишидами, ҳамма жойда тинчликни орзу қилардим. Ғалаба кунини эса мен кавалерия корпусида кутиб олдим. Бу ерда сиёсий ишлар бўйича дивизия командирининг ўринбосари, батальон сиёсий бўлинмасининг бошлиғи Муллажон Узоқов бўлиб, у кейинчалик генерал бўлганди. Мен I Белоруссия фронти сиёсий бошқармасининг вакили сифатида шиддатли жанглар бораётган Ратеновга келдим. Эрталаб биз қисмларга жўнаб кетдик. Кечаси соат 2 га яқин қайтиб келдим.

— Володя, полковник Узоқов келмадими?— деб сўрадим адъютантдан.

— Йўқ ҳали.

Похол устига жойлашиб, мудраб қолибман. «Володя, уруш тугади!» деган овоздан уйғониб кетдим.

— Эҳтимол тушимдир, — деб ўйладим мен, — аммо Муллажон менга энгашиб ҳаяжон билан шундай деди: «Турақол, бугун капитуляция ҳақидаги актга имзо чекилади».

— Ахир отишиб туришибдику!

—Даф қилишади!—дея ишонч билан жавоб берди М. Узоқов.

9 Майда радиодан бутун жаҳонга бизнинг Ғалабамиз ҳақидаги хабар янгради. Шу куни мен фронт штабига қайтиб келдим. Хайрлашаётиб Муллажон менга ов милтигини ҳадя этди.

— Бу, отишмалар фақат овдагина эшитилиб туриши учун!

Ғалаба билан бирга бениҳоя осойишталикни ҳис этдик. Биз бу осойишталикдан шунинг учун ҳам хурсанд бўлдикки, чунки энди тинчлик бошланган эди. Гитлер фашизми устидан қозонилган Ғалаба барча учун — урушда жанг қилганлар учун ҳам, мамлакат ичкарисида меҳнат қилганлар учун ҳам буюк ва шодиёна байрамга айланди. Биз бугунги тинч ҳаётимизга, бугунги бахтимизга ана шу Ғалаба туфайли эришдик.

Суҳбатни

Н. ПАНЯКШИНА ёзиб олди.

ҲАЁТ-МАМОТ ЖАНГИ БОРАРДИ

Совет халқи гитлерчилар Германиясн устидан қозонилган Буюк Ғалабасида халқларимизнинг бузилмас дўстлиги, жасорати катта роль ўйнади. Турли миллат фарзандлари фронтда жанг қилиш билан бирга, фронт орқасида фидокорона меҳнат қилишиб, ғалаба онларини тезлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшишди.

СУРАТЛАРДА: 1. 1941 йилнинг 7 ноябрь куни Улуғ Октябрининг шонли санаси тантанали равишда нишонланди. 2. Тошкентдаги Қизил майдонда фашизмга қарши ўтказилган умумшаҳар митингида. 3. Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари фронт орқасида зарбдорларча меҳнат қилиш билан бирга жангчиларга тез-тез кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар жўнатиб туришди. 4. Эришилган Ғалабада ёш авлод вакилларининг қўшган ҳиссаси ҳам салмоқлидир, улар ўзларининг ватанпарварлик ҳис-туйғуларига содиқ қолишиб қурол-яроғлар тайёрлашда туну-кун тинним билмай меҳнат қилишди. 5. Фронтдан олинган ҳар бир қувончли хабар одамларга катта бахт келтирарди. Улар ўз қон-қардошларининг немис-фашистларга қарши олиб борилган жангдаги кўрсатаётган матонатларн билан ҳақли равишда фахрланишарди.

БУЮК ҒАЛАБАГА ЁР БЎЛГАН МЕҲНАТ

ТОШКЕНТ—



• Сўнмас у кунлар шуҳрати

ГЕНЕРАЛ РАҲИМОВНИНГ ПОЛКДОШИ

—Салом, ўртоқ химик, ишлар қалай, қандай янгиликлар бор, душман чекинаптими?— кутилмаганда ертўлага генерал кирди.

— Бизникилар кеча душман ғалаларини тоза қувдилар, адабини бердилар. Ҳозир Совет Информбюросининг хушхабарини эшитиб келаяпман, яшасин-э, жангчиларимиз, — жавоб қайтарди генералга 37-гвардиячи дивизияда химик вазифасини бажарувчи Павел Федорович Федоров. У генерал билан кўпинча бирга бўларди.

— Шонли армиямиз қатъий ҳужумга ўтган 1944 йили дивизиямиз Белоруссия фронтида жанг қилмоқда эди, — дейди П. Фёдоров. — Октябрь ойларида Нарев дарёси ёнидаги плацдармга етиб келдик. «Душманнинг мустаҳкамланган мудофаасини кучайтирилган ўқчи батальон билан ёриб ўтиш» деган темада тактик машғулот бўлди. Ана шунда Собир Раҳимовнинг ўткир жанговар билимга эга қўмондон эканлиги, стратегия ва тактикани жуда яхши билиши ҳаммамизни ҳайратга солди. Ҳужум пайтида сурункали зарбани амалга ошириш ҳақида генералдан олган кўрсатмалар ўз натижаларини кўрсатди, фрицлар тум-тарақай қочишди, кўп талафот кўришди.

Шиддатли жанглар давом этарди. Армиямиз немислар ишғол қилган чегараларга яқинлашганда, айниқса, фрицлар жон-жаҳди билан қаршилик кўрсата бошлашди. Дивизиямиз олдига Грауденцни ишғол қилиш вазифаси қўйилди. Душман гарнизони штаби мустаҳкам қалъага яширинб олганди. Гитлернинг буйруғи билан Грауденцни сўнгги солдат қолгунга қадар бермаслик, ҳатто тўла қуршовда қолса ҳам мудофаа қилиш топширилган эди. Шаҳарни ишғол қилиш армия генерали И. И. Федюнинский бошчилигидаги қўшинларга топширилди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали И. И. Федюнинский кейинчалик ўзининг «Тревога бўйича оёққа турғанлар» китобида шундай деб ёзади: «65-армия составидан бизга генерал майор Собир Умар ўғли Раҳимов қўмондонлик қилган 37-гвардиячи ўқчи дивизияни бердилар. Мен бу биринчи ўзбек генералини эшитган эдим, у билан таништганимдан қувондим.

...Раҳимов 43 ёшда бўлиб, армияда у йигирма йилдан ортиқроқ хизмат қилган эди. Ўзининг биринчи жанговар мукофоти — «Қизил Юлдуз» орденини босмачиларга қарши жангларда олган эди. Раҳимов суворий сафдошлари билан бутун Урта Осиё бўйлаб —қадим Каспийдан Гарм чўққиларигача йўл босган.

...Суворийларга хос одатига кўра, энг машаққатли жойларда бўлишни, ҳужумларда иштирок этишни севарди».

Дивизиямиз душманга кирғин келтириб турган бир пайтда — 1945 йилнинг бошларида Москвадан, Бош штабдан телеграмма олдик. Унда мени Бош штаб қарамоғига юбориш айтилганди.

— Телеграмма нима дейсан, ўртоқ химик? — сўради генерал.

— Ғалаба соатларигача бирга бўлишга рухсат этинг, ўртоқ генерал, — дедим.

— Майли, ҳеч қаёққа кетмайсан, бизлар билан қоласан.

Орадан кўп ўтмай Бош штабдан яна телеграмма келди. Генералимиз бу телеграммани менга кўрсатар экан:

— Энди бормасанг, ўртоқ химик, бўлмайдиганга ўхшайди. Қаерда бўлсанг ҳам соғ бўл, — деди.

П. Федоров Москвада бўлган пайтида ҳам дивизия ҳаётидан хабардор бўлиб турди. Қўшинларимиз Данцигга яқинлашиб қолганда Собир Раҳимовнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганлигини эшитиб, ўта қайғурди. Мотам митингида генерал Батов видолашув нутқи сўзлаганлигини, дивизия ўз командири учун қасос олишга ваъда берганини, қасамёд қилганини эшитди...

П. Федоров урушдан кейин кўп йиллар армия сафларида бўлди. Кейин истеъфога чиқиб, олий ўқув юртида ишлади. Ҳозир Москвада истиқомат қилади. Бир куни бизни уйига таклиф этиб, генерал Собир Раҳимов имзоси чекилган буйруқ ва ташаккурномаларни кўрсатди. Суҳбатимиз сўнгида кўп йиллардан бери генерал Собир Раҳимовнинг туғилган она шаҳри Тошкентни бориб кўриш орзусида юрганлигини, унинг номи билан юритилувчи кўчаларда, посёлка, колхоз, совхоз, район ва мактабларда бўлиб генералнинг қаҳрамонона ҳаётини ёшларга сўзлаб бермоқчилигини билдирди.

Қ. АҲМЕРОВ,
Тошкент политехника институти умумий химия кафедраси мудири, профессор.

ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

ЯНГИ ПРОГРАММАДА

Иттифоқи Қаҳрамонлари, кўплаб жанговар мукофотлар кавалерларн эгалладилар. Концерт намойиш олдидан уларга гуллар тақдим этилди. Шундан сўнг «Ялла» ва «Садо» ансамбллари, «Узбекконцерт» и н и г етакчи артистлари Ғалаба кунига махсус тайёрланган янги концерт программаларини намойиш қилдилар.

Концертнинг биринчи қисмида уруш йилларидаги қўшиқлар, иккинчи қисмида эса А. Пахмутова, Э. Солиҳов, Д. Сайдамнова ва бошқа композиторларнинг янги қўшиқлари ижро этилди.

Қўлда қурол билан урушда қатнашган ва тинч қурилиш йилларидаги жанговар касбини сатира билан алмаштирган Владимир Лапин автор ва ижрочи сифатида ўз асарларини катта муваффақият билан намойиш қилди.

Шубҳасиз В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида намойиш этилган ушбу концерт республикамиз санъати йилномасида янги саҳифа бўлиб қолади.

«Узбекконцерт» коллективи Улуғ Ватан урушн ветеранлари, барча тошкентлик томошабинларга ажойиб туҳфа тайёрладн. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида «Ғалаба баҳори» деб номланган катта концерт программаси муваффақият билан намойиш қилинди.

Кенг ва ёруғ залнинг олдинги қаторларини Улуғ Ватан урушн ветеранлари — Совет

ЯГОНА СИЁСИЙ КУН: НИМАЛАР ҚИЛИНДИ?

СИЁСИЙ ДОКЛАДЧИЛАР НАЗОРАТИДА

Шу йилнинг январь ва февраль ойларида 243-Граждан авиацияси заводида сиёсий кунларнн Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Б. И. Бекмирзаев ва Узбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бўлим мудири А. М. Солиҳов ўтказган эдилар. Суҳбат жараёнида завод ишчилари саволлар беришди, танқидий мулоҳазалар билдиришди. Бугун биз ана шу саволларга уларнинг берган жавобларини эълон қиляпмиз. Зеро, ҳар бир сиёсий кунда берилган савол қатъий назорат остида бўлиб, сиёсий докладчилар ҳам, ташкилотлар ҳам бу саволларнн ҳал этишга даҳлдордирлар.

Нурмуҳамедова (17-цех): 1985 йилда авиасозлар шаҳарчасида қурилаётган уйлардан заводга квартиралар ажратилдими? Гоҳида завод ишчиларн Сергелидан квартира олдилар, Авиасозлар шаҳарчасидан эса шаҳарнинг бошқа районларида ишлаётганларга квартира беришнн мўлжаллашяпти. Шу тўғримн!

Жавоб: 1981—1985 йилларда уй-жойларни қуришда завод ўз ҳиссасини қўшгани учун корхонага 36 та квартира ажратилди. Шу жумладан 6 та квартира 1984 йилда янги қурилаётган ва завод яқинида жойлашган авиасозлар шаҳарчаси микрорайонидаги фойдаланишга топширнш мўлжалланган 1-уйдан ажратилган эди.

Завод 1985 йилда қурилишга ўз ҳиссасини қўшгани эвазига еттита квартира олади. Бироқ бу йил 1981, —1982 йиллар учун қурилишга қўшган ҳиссаси ҳисобидан квартиралар олинди. 1985 йил фондини эса 1986 —1987 йилларда олади.

Саноат корхоналари, муассасалар ва ташкилотларга турар жойлар асосан корхоналарга яқин жойлардаги қурилаётган турар жойлардан ажратилади. Бироқ, афсуски, шундай ҳоллар ҳам бўладики, корхона яқинида турар жойлар қурилмаётганлиги учун шаҳар массивларидаги микрорайонлардан квартира ажратилянти.

Савол: Ҳамза районида 49-болалар яслиси бор. Унда канализация, иссиқ сув йўқ. 1985 йилда бу масала бўйича бирон иш қилиндими!

Жавоб: Тошкент шаҳрини қуриш бош планига мувофиқ Ҳамза районидаги 49-болалар яслиси канализация ва иссиқлик таъминоти бўлмаган бир қаватли эски турар жойлар ичидаги, реконструкция зонасига киради. Шу муносабат билан болалар боғчасига канализация ва иссиқ сув ўтказиш мумкин эмас. Бу ерда сувни иситиш учун махсус хона ажратилиб, газ плиталари ўрнатилган.

В. Н. Сухарев, (11-цех): Мен ёш мутахассис сифатида заводга йўлланма билан келганман. 1984 йилдан шу пайтгача ҳеч қаерда практикадан ўтмадим, ҳарбий учётга ҳам турганим йўқ. Уйланганман. Бундан буён нима қилишим, қандай қилиб пропискадан ўтишим керак?

Жавоб: Гражданин В. Н. Сухарев прописка дан ўтган, ҳарбий учётга олинган.

З. Б. Нижегородцева. (ООТиЗ ижженери): 1981 йилдан бошлаб Улуғ Ватан урушн инвалидн Б. С. Юдовга телефон тушириб бернш масаласини ҳеч ким ҳал этиб беролмаяпти. Кўп жойларга бордик, фойдаси бўлмади.

Жавоб: Б. С. Юдовга телефон тушириб берилган. Унинг телефон номери 91—67—89.

В. Ф. Здориченко, (17-цех): 1984 йил август ойидан бошлаб Куйбишев шоссесининг 2-переулогидан чиқиндилар олиб кетилмаяпти. 17-ЖЭК шикоятларини эътиборсиз қолдирмоқда.

Жавоб: В. Ф. Здориченко айтган бутун территория чиқиндидан тозаланган. 17-ЖЭК бошлиғи О. Н. Степанова хабарига қараганда, Куйбишев шоссесининг 2-переулогидаги 21-уйга кўча супирувчи бириктилди.

Чевтаева (2-цех): Сергелида пионерлар саройи, спорт саройи йўқ. Транспорт онда-сонда юради, графикка риоя қилинмайди, айниқса эрталаб ва кечқурунларн.

Жавоб: Сергелида пионерлар уйлари бор. Келажакда бу ерда саройлар, янги мактаблар ва магазинлар, маиший хизмат кўрсатиш уйлари қурилади. Район энг ёш районлардан биридир. Бу ерда ҳали кўп объектлар қуриш керак. Автобуслар қоникарсиз ишлаётганн масаласига келсак, шуни айтиш керакки, бу масала «Главташпассавтотранс» раҳбарлари томонидан кўриб чиқилди, фактлар тасдиқланди. 4-ва 2-автопарклариинг раҳбарларига бу маршрутларда автотранспортларнинг ишини яхшилаш юзасидан зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар берилди.

СЎЗ—ШАҲАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

КОММУНИСТЛАР—ОЛДИНГИ САФДА

Ю. А. АСЕПКОВ,
Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитетининг биринчи секретари.

Архив ҳужжатлари ва партия ветеранларининг эсдаликларидан шу нарса маълумки, Ленин район партия ташкилоти уруш даври талабларига мувофиқ суратда, Марказий Комитет директивваларини аниқ, жанговарона бажарди, ўз фаолиятини тез қайта қурди.

Район меҳнаткашлари урушнинг дастлабки кунлариданоқ зўр кўтаринки руҳда меҳнат қилдилар. Уша даврда Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводининг «Қизил шарқчилар гудоги» кўп нусхали газетасида босилиб чиққан бир хабарда айтилганидек, паровоз цехининг мастерлари Голошчапов, Воробкалов ва Коновалов ўн бир соатлик иш кунидан сўнг қолиб, бутун тун бўйи паровоз қисмларини тўпладилар. Шу кечаси улар смена топшириғини 549 процент бажардилар. Эрталаб эса сменани қабул қилиб, яна ўз участкаларида ишни давом эттирдилар. Улар цехда 36 соат чиқмасдан ишладилар.

Ёшлар катта акаларидан намуна олиб, қаҳрамонона меҳнат қилдилар. Бутун мамлакатда бўлгани каби заводда ҳам мингчилар ҳаракати кенгайди.

Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи коллективи олдида ғоят қисқа муддат ичида Днепропетровск, Ростов, Запорожье, Воронеж паровозсозлик-паровоз ремонти заводлари ва бошқа кўчириб келтирилган корхоналарни жойлаштириш, монтаж қилиш зарур эди. Завод коллективи бу вазифани шараф билан бажарди.

Район партия ташкилоти жанг кетаётган жойлардан кўчириб келтирилган гражданларни, ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини қабул қилиш тўғрисида катта ғамхўрлик кўрсатди.

СССР Олий Совети Президиумининг шаҳарлардаги меҳнатга яроқли аҳолини уруш даврида ишлаб чиқариш ва қурилиш ишларига сафарбар этиш тўғрисидаги Фармонини бажара бориб, районда катта тушунтириш ва оммавий-сиёсий ишлар ўтказилди. СССР халқлари бузилмас дўстлиги руҳида тарбияланган район меҳнаткашлари республикада ҳам, унинг ташқарисида ҳам саноат корхоналари ва қурилишларида ишлашга тайёр эканликларини билдирдилар. Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси заводлари ва шахталарида ишлаган 60 минг вакили ўртасида Ленин районн вакиллари ҳам бор эди. Улар ўзларининг куч-ғайратларини аямай меҳнат қилдилар, юксак натижаларга эришдилар.

Шу кунларда эса Ленин районн меҳнаткашлари ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб, умумхалқ байрами арафасида янги ютуқларга эришмоқдалар. 1985 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини шараф билан бажариш учун курашмоқдалар. 1985 йил биринчи квартал планини барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажаришди. 1.521 минг сўмлик маҳсулот планга қўшимча суратда ишлаб чиқарилди.

Тепловоз ремонти, электротехника заводлари, «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси ва бошқа бир қатор корхоналарнинг коллективлари юбилей йили мусобақасида олға боришяпти. Бу корхоналарнинг меҳнаткашлари уруш йилларида ҳам фронт орқаси эҳтиёжларини таъминлашга катта ҳисса қўшган эдилар.

Азиз оталар ва оналар, рафиқаларимиз, акалар, опа-сингиллар ва дўстлар—жонажон ўзбек халқи!

Биз сизларнинг мактубингизни зўр ҳаяжон билан ўқиб чиқдик. Ҳар бир муқаддас сўзингизнинг мағзини чақиб, қалбимизга жо этдик. Она халқимизнинг мактуби буюк Ватанимизга бўлган муҳаббатимизни янада оширди. У мамлакатимизнинг барча халқларига ўлим ва қаҳатчилик, қулчилик ва очлик келтираётган олчоқ ёвга бўлган қаҳру-ғазабимизни янада оширди. Она-Ватанимизнинг, жонажон ўзбек халқининг қудратли овози бизнинг ҳарбий руҳимизни тетиклаштирди, умидларимизни жонлантирди. Янги куч-қувват, душманга бўлган курашда янги ғайрат ва қатъият бағишлади.

(Ғарбий фронтдаги ўзбек жангчиларининг ўзбек халқи хатига жавобидан).

Октябрь мамлакатининг кишилари

ШОМАҲМУДОВЛАР ХОНАДОНИ

Совет Ўзбекистони Улуғ Ватан уруши йилларида минг-минглаб ота-онасидан етим қолган ғўдакларни, оналарни ўз бағрига олди.

Ана шу саховатли ишда темирчи Шоаҳмад ва унинг рафиқаси Баҳри опа Шомаҳмудовлар хонадони жуда улуғ ҳиммат кўрсатди. Улар ўн беш фарзандни бағрига олишди. Мана шу кўпмиллатли оилада украин ва рус, латиш ва қозоқ ҳамда бошқа миллат фарзандлари ака-укадек тарбияланишди. Улуғ Ватан уруши инвалиди, каттакўрғонлик Ҳамид Самадов 13 фарзандни. Самарқанд областидаги колхозчи Фотима Қосимова ва бошқа кўплаб кишилар ўнлаб фарзандларни тарбияладилар.

— Мен ўзбек халқининг фарзандиман, деди ҳайкал очилиш маросимида Шомаҳмудовлар хонадонида ўсиб-вояга етган Фёдор Кульчиковский.

Ҳозирги пайтда Кремль кўчасидаги Боғ проезди ёнидан Шомаҳмудов номли катта кўча ўтади. Ана шу ерда ажойиб оиланинг болалари, набиралари ва эвараларн истиқомат қилади. Фарзандлар ота ва онанинг меҳр-муҳаббати ҳақида ҳамиша ифтихор туйғусини фахрланиб гапиришади. Баҳри опа бундай саховатли хизмати эвазига «Қаҳрамон она» фахрий унвони билан тақдирланган. Шурик ва Тоҳир, Ҳалима ва Феруза, Володя ва Оля, Неъмат ва Федя. Мана шу фарзандлар Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеъридаги персонажлардир.

Бу оиланинг буюк ибрати авлодларимизга Ватанимиз халқларининг қудрати ва саховатини ҳамиша эслатиб туради.

Бундай ажойиб инсонлар ҳақидаги хотиралар жўшқин ҳаётимизнинг солномаси, шаҳримиз, қолаверса мамлакатимиз таржимаи ҳолидир. Чунки биз Октябрь мамлакатининг кишиларимиз.



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Уруш йилларида Тошкент халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг барча тармоқлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланадиган йирик марказга айланди. СССР Фанлар академиясининг 375 йирик олими ва илмий ходими шу ерда ишлади.

● 1943 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил этилганди.

● 23 та илмий-тадқиқот муассасаси, шу жумладан Бутуниттифоқ пахтачилик бўйича илмий-тадқиқот институти (СоюзНИХИ), Ўрта Осиё ирригация институти ва бошқа илмий муассасалар ишлаб турди.

● Фан ва маданиятни ривожлантиришга Тошкент олий ўқув юртлари, шунингдек бу ерга эвакуация қилинган Москва геодезия, аэрофотосъёмка ва картография инженерлари институти, автомобиль йўл, архитектура, план институтлари, Киев индустриаль институти катта роль ўйнади.

● Уруш йилларида Тошкентдаги 10 та театр қаторига мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан кўчириб келтирилган 8 та театр қўшилди. Булар орасида Москва Революция театри, Франко номли Киев театри бор эди.

● Тошкентда мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан эвакуация қилинган атоқли композиторлар, ёзувчилар, адабиётшунослар, таржимонлар яшаб, ижод қилишди.

● Меҳнаткашлар оммасини, Совет Армияси жангчиларини коммунистик руҳда тарбиялашнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида кинонинг аҳамияти ва роли айниқса ошди. Уруш бошланишида Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларнинг салкам 200 киноходими Тошкентга эвакуация қилинган эди.

● Тошкент киностудиясида «Александр Пархоменко», «Икки жангчи», «Насриддин Бухорода» каби фильмлар яратилди.

● Уруш йилларида Тошкентда яшаган таниқли архитекторлар унинг меъморчилигини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатдилар.

● Шаҳарда Навоий номли опера ва балет театри, Муқимий номли музикали драма театри каби ажойиб иншоотлар қурилди.

● Тошкент меҳнаткашлари мамлакатнинг душмандан озод қилинган районлари аҳолисига катта қардошлик ёрдами кўрсатдилар.

● Улуғ Ватан урушида совет халқи Буюк Ғалаба қозонгандан кейин Тошкент саноатини тинчлик даври маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ўтказиш бошланди. Бу иш 1946 йилда асосан тугалланди.

● Эндиликда Тошкентдаги кўплаб ёдгорликларда, кўчалар ва майдонларнинг номларида, меъморчилик обидалари ва лавҳаларида Улуғ Ватан уруши мавзуи акс этиб турибди.

ХОТИРАДАН ЎЧМАЙДИ

Т. ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон Компартияси Фрунзе район комитетининг секретари.

Ғалаба кунида ҳар йили районимизнинг бош майдони —Волгоград мемориали атрофида одам гавжум бўлиб кетади. Бу ерда оқсоқол ветеранлар ҳам, ёшлар ва болалар ҳам гранит плиталарига гулдасталар қўйишади.

Бу муқаддас жойда мамлакатимизнинг 1300 га яқин — 18 ёшдан 20 ёшгача бўлган 38 миллат фарзандлари дафн этилган. Улардан бор-йўғи беш нафари 40 ёшга тўлган эди.

Шунинг учун ҳам бу муқаддас жойда биз ёш коммунист кунини, комсомол йиғилишлари, пионер сборларини ўтказамиз. Совет Армияси сафига чақирилувчиларни кузатамиз. Бу ерда бўлажак жангчилар, пионер ва комсомоллар она-Ватан, партияга садоқат ҳақида қасамёд қиладилар.

Район партия комитети интернационал ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўйича олиб борилаётган ишларга алоҳида аҳамият бермоқда ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик кўришда бу борада бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Яқинда район партия комитети бюроси шу йўналишда абразив комбинати партия ташкилотининг фаолиятини муҳокама этди ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси шарафига ҳар ҳафтада байроқ кўтариш янги ажойиб анъанасининг аҳамиятини таъкидлади. Бу анъана Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган зарбдор ҳафта мобайнида туғилди.

Райоң партия комитети уруш ветеранлари тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири эҳтиёжлари юзасидан тезликда чоралар кўрилмоқда. Кўпгина ветеранлар учун пионерлар, комсомоллар, коммунистлар оталиқ қилмоқдалар. Райком аппарати ходимлари собиқ жангчиларни тез-тез йўқлаб туришади. Улар билан очиқ ва самимий-суҳбатлар умумий ишга катта фойда келтирмоқда.

АВЛОДЛАР ЭСТАФЕТАСИНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

С. МЎМИНОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари.

Мамлакатимиз учун оғир бўлган йилларда Тошкент комсомоли жанг майдонларида она-Ватанимизни ҳимоя қилди, фронт орқасида ғалабага катта ҳисса қўшди. Яродор солдатлар ва кўчириб келтирилган болаларга оталиқ қилди. Елена Стемпковская, Владимир Саломатин ва бошқалар Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилиб, Тошкент комсомоли тарихига шонли саҳифалар ёзиб қолдирдилар. 1941 йил сентябрь ойида Тошкент комсомоллари Ўзбекистон комсомол-ёшларига қарата «Ўзбекистон комсомоли» танк колоннаси қурилишига маблағ тўплаш даъвати билан мурожаат қилдилар. ВЛКСМ 25 йиллигига шаҳар йигит ва қизлари 13 та жанговар самолёт ва бронепоезд учун маблағ тўпладилар. 2 та санитар поездини жиҳозладилар.

Биз шаҳар комсомол ташкилотлари тарбиялаган энг яхши пешқадамлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Улар орасида Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқувчиси Машкура Қодирова ҳам бор. У нормадаги иккита ўрнига 6 та машинага хизмат кўрсатмоқда. Бугунги кунда унинг меҳнат календарида 1992 йилнинг ноябрь ойи бошланди.

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Аскарали Мамиров бошчилик қилаётган 26-цех комсомол-ёшлар бригадаси ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарди. Бу коллектив беш йиллик топшириғини Буюк Ғалаба кунига бажариш юзасидан социалистик мусобақа ташаббускори бўлган эди. Ишчилар коллективи аҳдга вафо қилди.

Буюк Ғалаба юбилейини нишонлаш арафасида комсомол комитетлари шаҳар партия ташкилоти раҳбарлигида бир қатор тадбирлар ўтказадилар, бу эса тошкентликлар ёш авлодининг совет халқи жанговар ва меҳнат анъаналарига садоқатини яна бир бор намоён этмоқда.

Ғафур ҒУЛОМ

СЕН ЕТИМ ЭМАССАН

(Улуғ Ватан урушининг ота-онасиз қолган ғўдакларига).

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим,
Қуёшдай меҳрибон
Ватанинг —онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш, мушфиқ
Истаган нарсангни
тайёрлагучи
Халқ бор— отанг бор.
Чўчима, жигарим,
Уз уйингдасан,
Бу ерда
на ғурбат,
на офат,
на ғам.
Бунда бор:
ҳароратт,
муҳаббат,
шафқат.
Ва меҳнат нонини
кўрамиз баҳам.
Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.
Бу ерда музлаган
Аждар халқумли
Ваҳшат тўпларининг
Қаҳқаҳаси йўқ.
Бу ерда — одамзод
шаклида юрган
лаънати девларнинг
манфур, юқумли,
мараз намойиши
тополмас ҳуқуқ.
Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.
Етимлик нимадир
Бизлардан сўра,
Ўниччи йилларнинг
Саргардонлиги;
Иситма аралаш
Қўрқинч туш каби
Хаёл кўзгусидан
Ўчмайди сира.
Мен етим ўтганман,
Оҳ у етимлик...
Вой бечора жоним,
Десам арзийди.
Бошимни силашга
Бир меҳрибон қўл,
Бир оғиз ширин сўз
Нондек арзанда,
Мен одам эдим-ку,
Инсон фарзанди...
Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.
Онанг хўрландимми,
Отанг ўлдими,
Сен етим қолдингми,
Қайғирма, қўзим,
Кўзим устн,
Минатнинг бошимга
дурра
Ота-онасининг
Тайини ҳам йўқ.
Сут кўр қилгур,
ҳароми
Гитлер оқпадар—
Фарзандининг қадрини
Қаердан билсин!
Бир қўнғиз мўйловли,
Бароқсоч малъун,
Жигарранг бир мундир
Истаги учун,
Наҳоткн ермиз
Чаппа айланиб,
Наҳоткн дарёлар
Оқар тескари,
Наҳоткн одамлар
Кезар дарбадар...
Ахир, жуда яқин
Қонли интиқом,
Алҳазар,
алҳазар,
Кўпирар
томирларда қон.
Ва портлар ҳа демай
Бу ўтли вулқон.
Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.
Сен қулаётибсан,
Балки бу кулги
Сўнгги ойлар ичра
Биринчи чечак.
Лаълн лабингдаги
Ғунча табассум,
Албат толеннгга
Муҳр бўладн.
Ва бунда акс этар,
Порлоқ келажак.
Тонг яқин,
тонг яқин,
оппоқ тонг яқин.
Бир нафас ором ол,
Ухла, жигарим.
Оқ ойдин
тонг олдн,
Ухламоқдасен.
Лабларинг шивирлар,
Изламоқдалар...
Балки бир эркалаш,
Бир она бўса.
Улуғ онланинг
ғўдак фарзанди,
билиб қўй энди:
Сен тезда улғайиб,
Олам кезасан.
Манглайда порлаган
Толенинг — қуёш
Бутун ер юзини
Қилур мунаввар.
Ҳақорат емрилур.
Зулм янчилур,
Жаҳонда бўлурмиз
Озод, музаффар.
Сен етим эмассан,
Менинг жигарим»

(Шеър қисқартирилган ҳолда берилмоқда).

ФРОНТГА!



Улуғ Ватан урушининг машаққатли кунларида «Мевазор» маҳалласи аҳолиси ўзининг норғул фарзандларини фронтга кузатиб қўйган эди. Маҳалла жангчиларининг кўпчилиги ғалаба билан ота-оналари, оилалари бағрига қайтиб келдилар. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги пайтда тинч, фаровон ҳаёт гаштини суриб яшамоқдалар.

«МЕВАЗОР» ЎҒЛОНЛАРИ

Улуғ Ватан уруши ветеранлари Зокир Шокиров, Зокир Ҳамдамов, Ҳикмат Рихсиев, Туроб Яминов, Маҳамат Мирзааҳмедов ва бошқалар бугунги кунда чиндан ҳам иззат ва ҳурматда. Ёшлар бу жангчи ўғлонларнинг жанг хотиралари ҳақидаги ҳикояларини мароқ билан тинглашади.

Куни-кеча маҳалламиэда Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда ана шу ҳурматли отахонларнинг шарафига самимий сўзлар айтилди.

Ҳ. ШАРИПОВ.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

ХАЛҚ МАТОНАТИ

Урушнинг машаққатли кунларн қанчалик олнслашар экан, Совет халқининг жасоратн яна шунчалик улуғлашиб бораверади. Урушнинг даҳшатлн—мамлакат она-Ватанни ҳимоя қилиш учун астойдил бел боғлаган машаққатли кунларда болалар тўғрисидаги масала жуда ҳам муҳим бўлиб қолди. Чунки урушнинг дастлабки кунларида кўплаб болалар бошқа шаҳарларда дам олишда бўлиб, ота-онасиз тирик етим қолдилар. Ватан уларни бирор дақиқа бўлса ҳам унутмади. Онанинг фарзандга бўлган муҳаббатини ҳеч қандай меҳрибонлик билан таққослаб бўлмайди. Лекин биз бутун халқимиз билан болаларнинг қалбига таскин беришга ҳаракат қилдик ва бунинг уддасидан чиқдик.

Тошкентда маорнф министрлигининг собиқ биносида жамоатчилик асосида хотин-қизлар Советн ташкил этилган бўлиб, унга Тошкентга кўчириб келтирилган шоир ва ёзувчиларнинг умр йўлдошлари, М. Горькийнинг рафиқаси Пашкова аъзо қилиб киритилган эдилар.

Уша пайтда менн ҳеча ёшда эдингиз, деб сўрарсиз! 26 ёшда. Болалар уйига қамалдагн Ленинграддан, Москва ва Одессадан етим болалар келиб турар эдн... Бу болалар оғир жудоликларнн бошидан кечирган, ажал уруғндек ёғдирилган бомбаларнинг портлашнн ўз кўзн билан кўрган, жудолнк туфайли оч ва наҳор қолган ғариб-бечоралар эдн. Уларнинг кўзларидагн ғамгинлик ҳамон менинг хотирамда турибдн. Баъзн пайтларда юрагим тўлиб кетар эдн, бнрорта бурчакнн топиб олиб, ўзимча юм-юм йиғлар эдим.

«Болалар янги жойга кўникиб қолишдн. Энг муҳимн меҳрибонлигимиздан бахраманд бўлишдн.

Мен ўзимча уларга чинакам она бўламан, деб аҳд қилдим. Бу гапни айтиш осон. Лекин бегона боланинг қалбнни забт этиш жуда ҳам қийин. Эртаю-кеч улардан шнрин сўз ва меҳрибончилигимнн аямадим. Секин-аста менга улар ўрганиб қолишдн. Мен ҳаётимнн уларсиз тасаввур этолмадим. Секин-аста ҳамма иш ўз ўрнига туша бошлади. Болалар уйида ўзига хос тартиб, анъаналар пайдо бўла бошлади. Биринчи навбатда бу катта хонадон ягона онладек жипслашдн. Кейинчалик акалар укаларига меҳрибонлик қилиша бошладн. Ҳамма иш худди уйдагидек ташкил этилди. Баъзан шундай гапларнн ҳам эшитиб қолар эдик: «укамга қараб турншимнн онам яхшн кўрадилар...»

— Яхшн ўғлнм, укаларингга яхшн қарадинг, энди эса снигилларнигнн ҳам хафа қилмагнн, кўриб турибсанку, менинг ҳам юмушим кўпайиб кетяпти...

Менинг тарбиямдаги фарзандларим катта бўлганларида ён-атрофидагн кишиларга бефарқ қараб турмайдиган бўлишларига қаттиқ ишонар эдим. Чунки улар ҳозирда ҳам менга қамон хат ёзиб турншибдн, пул, посилкалар жўнатишмоқда. Улар мени жуда ҳам яхшн билишади. Мен олган нарсаларимнинг ҳаммасини бир чекка га йиғиб қўймайман. Бирорта қийналиб қолган фарзандларимга яқиндан ёрдам беришга сарфлайман. Уч минг бола ҳозирда турли мутахассисликлар соҳибларидир. Улар орасида фан кандидатлари, инженерлар ва ишчилар, артистлар ва қурувчилар бор. Энг муҳими улар ажойиб кишилар бўлиб вояга етдилар. Биз шу билан фахрланамиз.

Биз ер куррасининг барча оналари ва бутун совет халқи осмонимиз ҳамиша мусаффо ва беғубор бўлишини истаймиз. Болалар — инсоннятнинг эртанги кунн, унинг ишончи ва келажагидир. Улар учун мамлакатимизда ҳамма нарса муҳайё этиб берилган. Қўша-қўша болалар боғчаларн ва ясликларн, пионер саройларн —ҳаммасн болалар ихтиёрига бериб қўйилган. Булар социалистик жамиятдагн ягона «ардоқли синф»нинг мулкидир. Лекин ер куррасида болалар тақдирн турлнча. Капитал оламида эса кўплаб болаларнинг ҳаётн қашшоқлик, очлик ва касаллик хавфн остида қолган.

Социалистик жамиятимизнинг шиорн «Ҳамма яхшн нарсалар болаларга!» деган сермазмун сўздан иборат. Ер куррасидагн барча болалар бахтсаодатн учун тинчлик бўлсин!

Статистика маълумотларига кўра ҳар секундда ер куррасида уч мурғак норасида туғнлади. Биз ер куррасининг кишиларн улар учун мусаффо осмонни сақлаб қолмоғимиз керак.

А. ХЛЕБУШКИНА,
1-комсомол болалар уйининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Меҳнат Қизил Байроқ орденн кавалери.

ҲАЁТ-МАМОТ ЖАНГИ БОРАРДИ



Буюк Ғалаба осонликча қўлга кнритилмади. Эришилган мнслсиз ғалаба учун турли миллат фарзандлари елкама-елка турншиб, жанг қилишди. Бутун жасоратларини ишга солишиб, ёвни таслнм бўлишга мажбур этишди.

СУРАТДА: 1. 1945 йилнинг 9 Май куни Қизил майдонда ўтказилган Тошкент меҳнаткашларининг митинги қатнашчилари. 2. Оталарнмизнинг Улуғ Ватан урушида эришган Буюк Ғалабасини ёшларимиз доимо хотирлашиб, Номаълум солдат қабрига гуллар қўйишади. 3. Шаҳар темир йўл вокзалида фронтдан Ғалаба билан қайтаётган Қизил Армия жангчиларини тантаналн кутиб олиш. 4. Тошкент темир йўли бўлимининг бир группа уруш ветеранларн доимо ҳаёт-мамот жангини эслаб турншади.





Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА

26—27 АПРЕЛДА

ТОШКЕНТ ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ ВА СПОРТ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ БУЮМЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Савдо-кўргазмасида ранг-баранг тусдаги, сунъий ва табиий, замонавий, юқори сифатли чармлардан тайёрланган хотин-қизлар ва болалар учун мўлжалланган ранг-баранг моделдаги сумкалар намойишга қўйилган.

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 55-уй.

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ (телефон 77-14-31).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ДИҚҚАТ!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИНИНГ 17-«ОБУНА НАШРЛАРИ» МАГАЗИНИ

(Ўзбекистон ССР 50 йиллиги кўчаси, 7-уй)

УЛУҒ ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗИНИНГ ОБУНАЧИЛАРИ —УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА ИНВАЛИДЛАРИНИ МУБОРАКБОД ЭТАДИ ВА

М. А. ШОЛОХОВнинг 8 жилдли танланган асарлари тўпламига

ОБУНА ЎТКАЗАДИ

Бай пули — 1 сўм.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари **28-апрель** соат 10.00 дан 13.00 гача обуна учун рўйхатга олинади ва абонемент берилади.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари **3-май** соат 10.00 дан 14.00 гача обуна учун рўйхатга олинадилар.

Ютуқлар соат 15.00 да ўйналади.

Абонементлар **3 ва 4 майда** соат 10.00 дан 19.00 гача берилади.

Обунага ёзилиш ва абонемент олиш чоғида ҳужжатлар ёнингизда бўлиши лозим.

Маълумотлар учун телефон: 44-57-41.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МЕҲНАТ БЎЛИМИ

ОИЛАЛАРНИ

ҚОЗОҒИСТОН ССРНИНГ СОВХОЗЛАРИ ВА КОЛХОЗЛАРИГА УЮШГАН ҲОЛДА КЎЧИШЛАРИНИ

ТАШКИЛ ЭТАДИ

Кўчиш учун оила аъзолари сафида камида меҳнатга қобилиятли икки киши бўлган: 16 дан 55 ёшгача эркаклар ва 16 дан 50 ёшгача бўлган хотин-қизлар ҳужжатлари расмийлаштирилади.

Оилаларнинг ташкилий ҳолда кўчиб боришлари учун оилаларга нафақанинг биринчи ярми 75 сўм ва оила аъзоларининг ҳар бири учун 25 сўмдан пул, манзилга юклар билан етиб бориш учун йўл ҳақи тўланади. Ана шундай миқдордаги нафақанинг иккинчи ярми ўша хўжаликдаги бир йил мобайнида ишланганидан кейин тўланади.

Оилалар хўжаликка етиб боришлари билан ҳовлисида хўжалик бинолари қурилган уй-жой ва томорқа участкаси билан таъминланадилар, уларга уй ҳайвонларини сотиб олиш учун қарз пули берилади. Кўчиб борган оилалар икки йил мобайнида квартира ҳақи тўлашдан озод этиладилар, саккиз йил мобайнида қишлоқ хўжалиги солиғини тўлашдан озод этиладилар.

ОИЛАЛАР ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА КЎЧИРИЛАДИ:

Тўрғай областининг Жаксин ва Кийнлин районларига — 26 ИЮНДА.

Целиноград областининг Вишневск ва Шортандиск районларига — 10 ИЮЛДА.

Павлодар областининг Майск районига 30 ИЮЛДА.

Маълумотлар олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси 4-уй, 3-подъезд, 1-қават, 6-хона ва район ижроия комитетлари қошидаги аҳолини ишга жойлаштириш пунктлари.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 2-ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ **1985— 1986 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича**

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

УМУМИЙ ПРОФИЛДАГИ МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ, БОЛАЛАР ПРОФИЛИДАГИ МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ. Ўқиш муддати 10 ой.

Кундузги бўлимга 30 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилардан ҳужжатлар 1 июндан 15 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1—21 август кунлари ўтказилади.

КЕЧКИ БЎЛИМГА:

УМУМИЙ ПРОФИЛДАГИ МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ. Ўқиш муддати 2 йилу 3 ой. Кечки бўлимга кирувчиларнинг ёши чекланмайди. Ҳужжатлар 1 июндан бошлаб қабул қилинади. Имтиҳонлар химия (оғзаки), она тили ва адабиёт (иншо)дан 1 сентябрдан бошлаб ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига олтин медаль ёки фахрий ёрлиқ билан кирувчилар суҳбатдан ўтадилар. Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, турар жойидан справка, медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700096, Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Муқимий кўчаси, 12-уй (70, 34-автобуслар, 2, 6, 12-троллейбуслар, 4, 9, 11-трамвайларнинг «Спорт товарлари магазини» бекати). Телефонлар: 78-94-93, 78-49-27.

ДАРМОНЛИ ШАРБАТЛАР

КИШИ ОРГАНИЗМИДА ВИТАМИНЛАР ТАҲЧИЛЛИК ҚИЛГАНИДА — МЕВА-САБЗАВОТ ВА ЦИТРУС ШАРБАТЛАРИ ЁРДАМГА КЕЛАДИ!

ОЛМА ВА ТОМАТ ШАРБАТЛАРИ —«асосий витаминлар — А, В, С га ғоятда бой. Улар толиқишни йўқотади, иштаҳани очади, кайфиятни яхшилайди, ташналикни қондиради, хушбўй лаззати бор. Бу шарбатлар айниқса ўсиб келаётган болалар организми учун ғоятда фойдали ва шифобахшдир.

УЗУМ ШАРБАТИДА— атеросклероз ривожланишига тўсқинлик қиладиган калий, пектин моддалари мужассамлашган.

ЛИМОН ШАРБАТИ —юқумли касалликларга қарши бардошликни мустаҳкамлайди.

ШАРБАТЛАР — БАРЧА ФОЙДАЛИ МОДДАЛАРНИНГ МАЖМУАСИ БЎЛИБ, УЛАР ФАҚАТ МЕВАЛАРДАН ОЛИНАДИ!

«ТАШПЛОДООВОШЧ» УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИДАН СИЗ ОЛМА, УЗУМ, ОЛХЎРИ, ШАФТОЛИ, ЛИМОН ВА МАНДАРИН ШАРБАТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН!

«ТАШПЛОДООВОШЧ» УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ (телефон 55-98-29).





ЯНГИ МАГАЗИНДА БАҲОРБОП ГАЗЛАМАЛАР

БУ МАГАЗИН ЯҚИНДАГИНА ОҲАНГАРОН ШОССЕСИДАГИ 4-КВАРТАЛНИНГ 2-УЙИДА (Қадишев уй-жой массиви қаршисида)

О Ч И Л А Д И

СИЗ БАҲОР ЛИБОСЛАРИНИ ТИКТИРИШГА ТАРАДДУД КЎРАР ЭКАНСИЗ, БУ МАГАЗИНГА МАРҲАМАТ ҚИЛИШНИ УНУТМАНГИЗ!

Сиз бу ерда сунъий ва табиий шойидан тўқилган газламалар, ранг-баранг атласларни сотиб оласиз.

Жозибали гулли шойи газламалар сизнинг баҳор либосингизни янада кўркам ва башанг қилади.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ ЯНГИ 11-МАГАЗИНИ СОАТ 10.00 ДАН 19.00 ГАЧА ИШЛАШИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ. Танаффус 14.00 дан 15.00 гача.

Магазинга 6, 29-трамвайлар билан «Уй-жой шаҳарчаси» бекатигача борилади.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-72-42).

ШАҲАР ЯРМАРКАЛАРИ ЧОРЛАЙДИ


ОКТЯБРЬ, ҚУРИЛИҚ ВА ОЛОЙ БОЗОРЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН ШАҲАР ЯРМАРКАЛАРИ

БАҲОРГИ, ЁЗГИ АССОРТИМЕНТДАГИ САНОАТ МОЛЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН ХАРИДОРЛАРНИ

ЧОРЛАЙДИ

ЯРМАРКА ҲАР КУНИ СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.



«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТВ

ЖУМА

26 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.10 Ю. А. Жуков суҳбати.
18.40 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Канада —СССР терма командалари, 2 ва 3-даврлар. ЧССРдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.20) — «Дунё воқеалари».
20.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 12-фильм— «Ғалаба баҳори».
21.30 «Время».
22.15 Союзлар уйининг Колонна залидан шоир Е. Долматовскийнинг авторлик кечаси. Танаффус пайтида (23.30) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.50 «Будапешт. Москва майдони». Киноочерк.
19.05 Ритмик гимнастика.
19.35 Ўқитувчига — музика сабоғи. 5-синф 2-кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» —«Динамо» (Тбилиси). 2-тайм.
21.30 «Время».
22.15 «Бизнинг истеъдодимиз». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
23.20 Классик кураш бўйича СССР чемпионати. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Афғонистоннинг миллий байрамига. «Адабий альманах».
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» —АСК (Хабаровск). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Ҳосилдорлик капсуласи». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»).
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Дунё воқеалари».
22.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқитувчилар учун консультация, Илғор тажриба — ҳаммага.
18.50 «Захаров майдони». Ҳужжатли фильм.
19.00 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига, «Ёдимизда, қалбимизда ҳаммиша» (рус.).
19.30 «Чегарачилар». Телефильм.
19.50 Реклама.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши» (рус.).
20.50 «Оила ҳақида мулоҳазалар». Телефильм.
21.10 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).

ШАНБА

27 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 12-фильм. — «Ғалаба баҳори».
11.05 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
11.35 «Ўртоқ қўшиқ». Бутуниттифоқ телеконкурси.
12.30 «Ишчи кафолати». «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» туркумидан телефильм премьераси.
12.55 «Эртага — Жаҳон биродарлашган шаҳарлар куни».
13.25 Биродарлашган шаҳарлар бадиий коллективларининг концерти.
14.00 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.30 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Юқори Миср тўйи» (МАР).
14.55 «Дунё воқеалари».
15.10 «Украин халқ рақслари гулдастаси». Концерт.
15.40 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати.
16.10 Афғонистоннинг миллий байрамига. «Истиқболнинг машаққатли йўли». Телефильм.
17.05 «Ҳайвонот оламида».
18.05 «Леонид Леонов билан бир соат». Телефильм премьераси.
19.15 «Қулоқсиз мушукча». Мультфильм.
19.25 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.55 «Кинопанорама».
21.30 «Время».
22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — ЧССР терма командалари. ЧССРдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.25)— Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Телефильмлар: «Орлик Ока билан учрашадиган жойда», «Биз Вильяндиданмиз».
10.15 Ф. Лист. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 2-концерт.
10.35 «Сиз яратган боғ».
11.05 «Тонгги почта».
11.35 «Ҳужжатли экран».
12.35 «Стадион ҳамма учун».
13.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 3-гвардиячи армия.
14.20 «Мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб».
15.05 «Космонавт билан парвоз». Бадиий фильм.
16.25 «Рақс сеҳргари». Фильм концерт.
17.20 «Фотосуратдаги қизча». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
17.35 Москва. Консерваториянинг Катта зали. И. С. Бах ва Р. Шчедрин асарларидан концерт.
19.35 «Спартак» жамияти ташкил топганлигининг 50 йиллигига бағишланган спорт байрами.
20.15 Халқаро обзор.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.00 Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар.
22.45 «Метроном». Музикали кўрсатув.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.15 «Денгиз орзуси». Ҳужжатли фильм.
10.45 «Шахмат мактаби».
11.15 «Оқшом учрашувлари». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
11.50 «Инсон ва табиат».
12.20 «Тенглар оиласида». Ҳужжатли фильм.
12.50 «Китоб —билимлар манбаи».
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Мультфильм.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
18.40 «Ота-оналар университети».
19.10 «Ноз-неъмат бунёдкори».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Олам дарди адиб қалбида». Кўрсатувни Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Эркин Воҳидов олиб боради.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденияларининг биргаликдаги программаси. Олмаотадан олиб кўрсатилади.
23.00 «Таниш чеҳра». Катталар учун мультфильм.
23.15 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти**, 27/IV да **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист О. Кучкованинг ижодий кечаси** (17.00). **Ҳаётбахш ўлим** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Афғон репортажи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/IV да **Тошболта ошиқ**, 27/IV да **Тоҳир ва Зуҳра.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Кулги кечаси** (19.30).

КИНО

26, 27 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ДЎСТИМ ИВАН ЛАПШИН— **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТАҚДИР ҲАКИМИ» — **Санъат саройи** (катта зал 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал 12, 14.30, 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Ватан** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 33-12-76).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00; телефон 78-47-25).

«ҒАЛАБА» —**Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-63-60).

«СЕНИНГ МУҲАББАТИНГ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00; телефон 78-47-25).

«ҒИРТ ЁЛҒОНЧИ» — **М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16, **Шайхзода номли** (11, 13.30, 16.30, 20.45; телефон 42-39-74), **Дружба** (11, 12, 14, 15, 18, 20.20; телефон 66-15-75).

«АФРИКАЛИК»— **К. Ермatов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«МЕНИНГ НОМЗОДИМ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

29 АПРЕЛЬ, СОАТ 19.00 да

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «Кузбасс» (Кемерово).

КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ФУТБОЛ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ПАХТАКОР» Марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилган.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Молларни кредитга сотувчи магазинлар саноат моллари майда улгуржи лимитига киритилмаган ҳолда нақдсиз пул ўтказиш йўли билан биллур идишлар, соатлар, радиоприёмниклар, сувенирлар ва бошқа молларни

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва инвалидларига совғалар учун сотади.

Молларнинг баҳоси 50 сўмдан ошмаслиги лозим.

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармаси.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Электромедицина техникуми коллективи техникум катта ўқитувчи М. Ҳ. Ҳасановга онаси

Турсуной ҚОСИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуш — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12218. **Индекс 64690. Б-2015.** 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

26 АПРЕЛЬ, 1985 й.